



Course: Islamic Finance

Lecture 5: Islamic Banking Services (Partnership based)

Lecturer: Shaamirova Surayyo

Музораба

Музораба бўйича асосий тушунчалар

Музораба (مضاربة), шунингдек Қирад ёки Муқарада (مقارضه) номи билан машҳур бўлиб, Ислом пайдо бўлганидан бери инвестиция ва молиялаштиришда фойдаланиладиган фойда тақсимлаш модулининг бир тури

- **Музораба** – бу инвестиция ҳисоб варағи эгалари(ИАН)дан депозитларни қабул қиладиган Ислом банкларининг пассив қисмида энг кўп қўлланиладиган шартнома ҳисобланади.


Луғавий маъноси:

- **Музораба** - “Зораба фил арз” сўз бирикмасидаги саёҳат қилиш маъносини билдиради, яъни тадбиркорлик қилиш учун оғир меҳнат, саёҳат қилинади.

Истилоҳий маъноси:

- шерикчиликнинг ўзига хос бир тури бўлиб, бунда бир томон маблағ (сармоя) беради, иккинчи тараф шерикчилик доирасидаги бизнесни (яъни корхона ёки тадбиркорлик лойиҳасини) бошқаради.

Музораба бўйича асосий тушунчалар



Музораба бўйича асосий тушунчалар


Инвестиция ҳисобварақларининг турлари

ААОИҒ Шариат меъёрларининг 13-моддаси: «Музораба асосидаги инвестиция ҳисобварақларидаги фойдани тақсимлаш» бўйича белгиланган иккита инвестиция ҳисобварағи мавжуд:

- **Чекланмаган инвестиция ҳисобварағи (URIA)** - Музориб маблағларни ўзи мақбул кўрган ҳар қандай инвестиция соҳасига йўналтириш ҳуқуқига эга. Одатда, **URIA** маблағлари балансда қайд этилади.
- **Чекланган инвестиция ҳисобварағи (RIA)** - Инвестор Музорибга инвестиция майдонини ёки турига нисбатан маълум чекловларни қўяди. Одатда, **RIA** балансдан ташқарида ушлаб турилади.


Музораба: Банк ва мижоз муносабатлари

Музорабага асосланган инвестиция ҳисобварағи қандай ишлайди? (Музорабанинг тузилиши)



Музораба: Банк ва миждоз муносабатлари

Музорабага асосланган инвестиция ҳисобварағи қандай ишлайди? (Музорабанинг тузилиши)



-Олдиндин келишилган нисбатда тақсимланади
-Фойда муайян суммада ёки капиталга нисбатан фоиз кўринишида белгиланиши мумкин эмас

-Фақат сармоядор бўйнига олади (Роббул мол)
-Музорибнинг айби билан зарар вужудга келса, музорибга зарар юкланади

Музораба бўйича Шаръий ҳуқумлар

1. Музорабанинг қонунийлиги.

- Ал Аббос Ибн Абд (РА) ривоятида.
- Умар ибн Хаттоб (р.а.)

2. Музораба шартномаси.

- Музора шартномасини тузган иккала томон ҳам агентларни тайинлаш ва агентликларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.
- Музораба шартномаси мажбурий эмас. Қуйидаги икки ҳолатдан ташқари шартномани бир томонлама бекор қилиш мумкин:
 - ✓ Музориб бизнесни бошлаганида, бу ҳолда Музораба ҳақиқий ёки конструктив эгаллик қилиш кунигача мажбурий бўлиб қолади;
 - ✓ Шартнома тузувчи томонлар шартноманинг амал қилиш муддатини белгилашга келишганда. Бундай ҳолда шартномани муддатидан олдин бекор қилиш мумкин эмас, **фақат ўзаро келишув бундан мустасно.**

Музораба буйича Шаръий ҳукумлар

3. Музораба бошқаруви.

- Музориб Музорабани шартномада кўрсатилган ваколатлар доирасида бошқаради. Музориб капиталга эркин кириш ва тўлиқ назорат қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Раб ал-маал эса ҳаракатсиз шерик сифатида хизмат қилади ва Музорабани бошқаришда иштирок этиш ваколатига эга эмас.

4. Музорибнинг вазифалари ва ваколатлари.

- Чекланмаган Музораба бўлса, Музориб барча бошқарувни ўз зиммасига олиши ва капитални тўлиқ ҳимоялаши шарт.
- Музориб Раб ал-маал розилиги билан исталган вақтда Музораба шартномасини шериклик шартномаси (Мушорака) билан бирлаштириши мумкин.
- Музориб Музораба маблағларидан яшаш харажатларини, агар у Раб ал-маал томонидан тасдиқланган бўлса, олиш ҳуқуқига эга.
- Музораба маблағидан қарз, совға ёки ҳайрия учун ёрдам бериши жоиз эмас.
- Агар Раб ал-маал рози бўлмаса, Музориб Музораба амалиёти билан боғлиқ ҳуқуқларидан воз кечишга ҳақли эмас.

Музораба бўйича Шаръий ҳуқумлар

Капитал ва инвестицияларни ҳимоя қилиш

1. Капитални муҳофаза қилишнинг рухсат этилган манбалари.

- **Такафул** инвестициялар учун бепарволик, тўловларни кечиктириш ва банкротлик хавфини камайтириш учун фойдали восита ҳисобланади.
- Капитални келажақдаги зарарлардан ҳимоя қилиш учун молиявий давр фойдасидан заҳиралар ажратиш.

2. Капитални муҳофаза қилишнинг таъқиқланган манбалари.

- Вазиятдан қатъий назар, капитални йўқотилиши учун музорибни жавобгарликка тортиш.
- Ҳар қандай учинчи томон томонидан келтирилган зарарни инвестиция менежери фойдасига қоплашнинг мутлақ кафолати.
- Инвестиция агентидан активни белгиланган ёки олдиндан келишилган нархда сотиб олишга ваъда бериш.

Музораба бўйича фойда ва харажатлар ТАҚСИМОТИ

Музорабада фойда тақсимоти

- Томонларнинг ҳар бирининг улуши аниқ белгиланган бўлиши керак, кедаяқда бу нисбат ўзаро келишув асосида ўзгартирилиши мумкин.
- Томонларнинг бирортасининг улуши қатъий белгиланган қийматда ифодаланиши мумкин эмас (бу ҳолда Музориб белгиланган ҳақ эвазига бошқа ҳар қандай ишларни бажариши мумкин).
- Ҳеч бир томон ўзига, маълум молиявий даврдан олинган ёки капиталнинг бир қисмидан олинадиган фойдани ўзи белгилашга ҳақли эмас.
- Ўтмиждаги зарарлар кечиктирилган фойда ҳисобидан қопланади.
- Фойда – заҳира шакллантириш учун ишлатилиши мумкин.

Музориб мукофоти: 40% фойда
+ фойдадан ортиқ бўлса,
йиллик 1 млн сўм

2025 йилда фойда 40х60, 2026
йилда 30х70 нисбатда
бўлинади

~~Музориб мукофоти: қўйилган
капиталнинг 3%~~

~~Музориб мукофоти: 10 млн сўм
ойига~~

~~Март ойида олинган барча фойда
Музорибга, апрель ойидаги фойда
инвесторга~~

Музораба бўйича фойда ва харажатлар тақсимоти

Музорабада харажатлар тақсимоти

Инвестиция ҳисобварақлари бўйича фойда қуйидаги амалиётлардан сўнг тан олинади:

- Барча дебиторлик қарзларини тўланиши
- Музорабанинг барча активларини реализация қилиш
- Жорий активлар ва дебиторлик қарзларни эксперт баҳолаши
- Инвестиция ҳисоб варақлари билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатларни қоплаш
- Шубҳали қарзлар учун заҳира, фойдани тенглаштириш учун заҳира ва инвестиция хавфини таъминлаш (Музорибнинг улушини ушлаб қолгандан сўнг)

Музораба маблағлари қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

- Банкнинг инвестиция бўлинмалари харажатлари
- Ички назорат ва бухгалтерия хизмати харажатлари
- Музораба харажатлари чегарасидан ортиб кетган харажатлар (агар мавжуд бўлса)

Фойдани тенглаштириш заҳираси (ФТЗ) / Profit Equalisation Reserve (PER) – бу Ислом Банки томонидан умумий даромаддан ажратиладиган маблағ бўлиб, инвестиция ҳисоб варақлари эгаларига даромад тақсимотидан олдин амалга ошириладиган ажратма. Ушбу заҳирадан мақсад, инвестиция ҳисоб варақлари даромадлилиги даражасини бир меъёрда ушлаб туришдан иборат.

- Заҳира ҳисоблаш олдиндан шартномада кўрсатилган бўлиши керак ва заҳира даражаси банкнинг сиёсатига кўра ўзгариб туриши мумкин.
- Баъзи мамлакатларда назорат қилувчи орган ФТЗ бўйича ўз талабларини қўяди.

Инвестиция хатарлари заҳираси (ИХЗ)/ Investment Risk Reserve (IRR) – бу заҳира Музориб улушини олиб ташлагандан кейин келажақдаги инвестиция йўқотишларини (зарарларини) қоплаш мақсадида ажратилади.

- ИХЗ ажратиш банкнинг ички сиёсати ва назорат органи меёрлари асосида белгиланади.

Музораба бўйича резервлар

	Фойдани тенглаштириш заҳираси	Инвестиция хатарлари заҳираси
Заҳира манбаси	Музораба даромади	Инвестиция ҳисоб варақлари эгалари даромади
Заҳира ажратилиши босқичи	Музориб улуши ажратилишидан олдин	Музориб улуши ажратилганидан кейин
Мақсади	Даромадлар даражасини тенглаштириш	Келажақдаги йўқотишларни олдини олиш
Охирги бенефициар	Музориб ва инвестиция ҳисоб варақлари эгалари	Инвестиция ҳисоб варақлари эгалари

Музорабанинг тугатилиши

- Ҳар қайси томон музорабани бошқа томонни огоҳлантирган ҳолда тугатиш ҳуқуқига эга.
- Агар музораба якунланиш пайтида барча активлар пул кўринишида бўлса ва қандайдир фойда олинган бўлса, у ҳолда ушбу фойда томонлар ўртасида аввалдан келишилган нисбатда тақсимланади, лекин агар активлар мол/маҳсулот кўринишида бўлса, у ҳолда Музорибга ушбу молларни сотиш ва ҳақиқий фойдани аниқлаш вазифаси топширилади.
- Томонлар музораба шартномаси тузилаётган пайтда муайян муддат давомида музораба шартномасини тугатмаслик тўғрисида келишиб олишлари ва шунга асосан ҳаракат қилишлари шариятга зид бўлмайди.

МУШОРАКА (Шерикчилик)

Мушорака бўйича асосий тушунчалар

- Мушорака арабчада «Шарика» (شركة) сўзидан олинган бўлиб, «баҳам кўриш» деган маънони англатади

ААОIFI Шарият меъёрларининг 12-моддасида Мушорака қўйидагича таърифланади:

- “...активларни бирлаштириш ёки ўз хизматларини ва мажбуриётларини фойда олиш мақсадида бирлаштириш тўғрисида икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги келишув”.

Ислом банкларида:

- **Мушорака** — фойдани бўлишиш шарти билан тузиладиган шерикчилик шартномалари. Ислом банкларининг актив амалиётлари, экспорт-импорт амалиётларини молиялаштиришда, лойиҳаларни молиялаштириш, синдикат маҳсулотлар яратиш ва сукук чиқаришда ишлатилиши мумкин.

Мушорака бўйича асосий тушунчалар



\$20,000/20%



\$80,000/80%



Source: The Herald Zimbabwe (n.d.)

Фойда: 20/80 нисбатда
Ёки бошқа келишилган
нисбатда
(мас.: 30/70)



Зарар: 20/80 нисбатда
Қатъий!
(сармоядаги улуш
нисбатида)



Мушораканинг Шаръий қонунийлиги

- “Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар. Магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина (қилмаслар). Улар жуда ҳам оз”. (38:24)
- Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Улардан бири шеригини алдамас экан, Аллоҳ таъоло ушбу икки шерикка учинчи шерик бўлади”, дедилар.
- Яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳнинг қўли шерикларнинг иккаласида ҳам, агар улардан бири иккинчисини алдаганида, Аллоҳ иккала шерикдан ҳам қўлини қайтариб олади”, деган эдилар.

Мушорака бўйича асосий талаблар

Шартнома томонлари

- Мушорака битимининг томонлари жисмоний ёки юридик шахс бўлган шериклар бўлиши мумкин.
- Мушорака бўйича шерик битимни бажариш учун мулк ҳуқуқига эга бўлиши керак.
- Мушорака битими Ижоб (таклиф) ва Қабул орқали тузилади.

Мушоракани бошқариш

- Мушорака (ширкатни) қуйидаги йўллар орқали бошқариш мумкин:
 - ✓ Ширкатни барча шериклар бошқаради; ёки
 - ✓ Бир нечта ёки муайян бир шерик бошқариши мумкин; ёки
 - ✓ Учинчи тараф (шериклардан бошқа шахс) бошқариши мумкин.
- Ширкатни бошқариш учун учинчи шахсни тайинлаш алоҳида меҳнат/ижара шартномаси орқали амалга оширилади.
- Бошқарувдаги шерик ўз улушидан ташқари бошқарувчи сифатида (меҳнат шартномаси асосида) қўшимча тўлов/маош олиши мумкин.
- Бошқарувдаги шерик эътиборсизлик, масъулиятсизлик ва шартларга амал қилмаслик натижасида келиб чиқадиган зарарга жавобгар ҳисобланади.

Мушорака бўйича асосий талаблар

Капитал

- Мушоракага киргазилган сармоя аниқ ва ундан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.
- Сармоя пул кўринишида ёки бирор актив шаклида бўлиши мумкин.
- Мол-мулк сармоя сифатида киритилаётганда унинг қиймати пул кўринишида мутахассислар томонидан баҳоланиши ёки ҳамкорлар аниқ бир миқдорда келишишлари керак.
- Дебиторлик қарзлари ва келажақда келиши кутилган бошқа қарзларни (хусусан шериклар орасидаги ўзаро қарзлар ҳам) шерикчиликка улуш сифатида киритиб бўлмайди.
- Мушорака битими тузилаётган вақтда ҳар бир шерикнинг капитали миқдори аниқ бўлиши лозим.
- Мушоракага шериклар томонидан сармоя киритилгандан сўнг ширкат бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

Мушорака бўйича асосий талаблар

Капитал маблағларининг тақдим этилмаслиги:

- Сармоя маблағларини киритишни ўз вақтидан кечиктириш сабабли ширкат зарар кўрса, ушбу шерик зарарни қоплашга мажбурланиши мумкин.
- Агар сармоя киритиш босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса, агар шериклардан бири сармоя киритишни кечиктирса, қолшан шериклар:
 - ✓ Шерикчилик шартларини ўзгартиришлари мумкин; ёки
 - ✓ Ушбу шерикдан улушни сотишни талаб қилишлари мумкин

Мушорака бўйича асосий талаблар

Фойда

- Шериклар мушорака битими доирасида фойдани келишилган нисбатда тақсимлашлари лозим.
- Фойдани тақсимлаш нисбатини белгилашда шерикларнинг киритган улушларига таянилади, аммо шериклар фойдани тақсимлашнинг бошқа нисбатига келишишлари мумкин.
- Фойдани тақсимлаш нисбати мушорака шартномаси амалда бўлган вақтда томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.
- Мушоракада бирор-бир шерик учун олдиндан белгиланган муайян миқдорда қатъий белгиланган фойда олиши тақиқланади.
- Капиталга нисбатан кутилаётган фойда фақатгина ориентир сифатида белгиланиши мумкин, аммо капиталга нисбатан қатъий фойдани белгилаш мумкин эмас.
- Шериклардан бири ўз ихтиёрига кўра бошқа бир шерик фойдасига ўз фойдасидан кечиши мумкин, агар фойда тақсимланиб, олинган бўлса.

Мушорака бўйича асосий талаблар

Фойда қуйидаги усулда ҳисобланиши мумкин:

- Шерикчилик активлари тугатилаётган вақтда вужудга келган ҳақиқий фойда (ал-тандид ал-ҳақиқий); ёки
- Муайян кун ёки муддат учун тегишли ҳисобот услуби орқали ҳисобланган конструктив фойда (ал-тандид ал-ҳукмий)
- Агар фойда конструктив усулда тақсимланган бўлса якуний фойда муддат охирида ёки лойиҳа сўнгида тақсимланган фойда миқдори ва уни тақсимлашни қайта ҳисоблаш/кўриб чиқиш лозим.
- Фойдани олдиндан олиш: муддат охирида фойдани қайта кўриб чиқиш ёки олинган ортиқча фойдани шаркатга қайтариш шарти билан олдиндан олиш мумкин.
- Шериклар олинган фойдани резерв сифатида ёки бошқа мақсадларда тақсимламай қолдиришлари мумкин.

Мушорака бўйича асосий талаблар

Зарар

- Зарар – бу дастлабки киритилган сармоянинг камайиши ҳисобланади
- Шериклар зарарни қатъий сармоёга киритилган улуш нисбатида тақсилашади. Зарарлар киритилган сармоё миқдори билан чегараланади.
- Бир ёки бир нечта шериклар ихтиёрий равишда лойиҳанинг зарарини ўз бўйнига олиши мумкин.
- Бирор шерик томонидан ўз масъулиятини суистеъмол қилиш (таадди), эътиборсизлик (тақсир) ёки келишилган шартларни бузиш сабабли (мухолафа аш-шурут) сабабли бирор зарар кўрилса ушбу шерик кўрилган зарарни қоплаб бериши лозим.

Мушорака бўйича асосий талаблар

Капитални кафолатлаш

- Сармояни кафолатлаш шерикчилик моҳиятига зиддир.
- Шундай бўлсада қуйидаги ҳолатда сармояни кафолатлаш мумкин:
 - ✓ Бир ёки бир нечта шерик томонидан ўз масъулиятини суиистеъмол қилиш (таадди), эътиборсизлик (тақсир) ёки келишилган шартларни бузиш сабабли (мухолафа аш-шурут) сабабли бирор зарар кўрилиши мумкин бўлса, кафолат орқали фақатгина шундай зарарлар қопланиши мумкин
- Кафолат берувчи кафолат учун бирор тўлов талаб қилиши мумкин эмас
- Кафолат фақатгина ихтиёрий бўлиши мумкин

Мушорака битимидаги амалий масалалар

Ислом банклари тарафидан мушораканинг қўлланиши

- Мушорака – акция ва фондаларга сармоя киритиш
- Мушорака – лойиҳаларни қўшма молиялаштириш (проектное финансирование)
- Мушорака мутанақиса – камайиб боровчи мушорака (асосан кўчмас мулк, баъзан автомобиль сотиб олишни молиялаштириш)
- Савдо битимларини мушорака орқали молиялаштитириш (импорт амалиётларини молиялаштириш)
- Олди-сотди битимларини молиялаштириш (активларни харид қилиш ва сотиш)
- Мушорака сукук (инвестицион лойиҳага сармоядорларни жалб қилиш)

Мушорака мутанақиса (камайиб борувчи Мушорака)

- **Мушорака мутанақиса (ММ)** – бу Ислом банклари томонидан кенг қўлланиладиган молиялаштиришнинг асосий усулларида бири бўлиб, бу асосан уй-жой молиялаштириш бўйича энг кўп ишлатиладиган шартномадир.
- Ушбу молиялаштириш шаклида бир шерик ўз мулкчилик қисмини бошқа шерикка маълум бир вақт ичида босқичма-босқич сотиш тўғрисида ваъда беради.
- **ММ** икки ёки ундан ортиқ шериклар ўртасида тузилиши мумкин ва ундан исталган лойиҳани қўшма молиялаштиришда фойдаланиш мумкин.
- **ММ** орқали мулк сотиб олиш **Шаркат ал-милк** тамойиллари ва қоидалари орқали бошқарилади.
- **ММ** орқали бизнес/тадбиркорлик лойиҳасини сотиб олиш **Ширкат ал-аъқд** тамойиллари ва қоидалари орқали бошқарилади.

Камайиб борувчи Мушорака

Мушорака мутанақиса
структураси



4. Банк улушини аста-секин сотиб олиш

2(б). Сотиб олишга ваъда

2(в). Сақлаш бўйича вакил



1. Сармоя



1. Сармоя

Уйга қўшма
эгаллик

3. Ижара тўловлари

2(а) Банк улуши
Мижозга ижарага
беради

Мушораканинг тугатилиши

1. Шерикларнинг ширкатни тугатиш бўйича қарори;
2. Шериклар томонидан келишилган муддатнинг келиши;
3. Шерикларнинг вафоти, тарқалиб кетиши ёки ҳуқуқларнинг йўқолиши;
4. Шерикчилардан бирининг мушоракадаги бошқа шерик улушини тўлиқ сотиб олиши;
5. Мушораканинг ботил бўлиши.
 - Мушорака битими тугатилганидан сўнг, активлар тугатилиши керак.
 - Мушораканинг активлари бозорда сотиш орқали тугатилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

AAOIFI (2015). Shari'ah standard No. 13: *Mudarabah*. In *Shari'ah standards*.

AAOIFI (2015). Shari'ah standard No. 12: *Sharikah (Musharakah) and modern corporations*. In *Shari'ah standards*.

Islamic Financial Services Board (IFSB). (2005). *Guiding principles of risk management for institutions (other than insurance institutions) offering only Islamic financial services (IFSB-1)*. IFSB.

Hassan, M. K., Kayed, R. N., & Oseni, U. A. (2013). *Introduction to Islamic banking and finance: Principles and practice*. Pearson.

